



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 14-mart. Payshanba ● 30 (31.620)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Интернет-маълумот

Беҳзод АБДУРАИМОВ:
**УНИ ЁРҚИН КЕЛАЖАК
КУТИБ ТУРИБДИ...**



Жаҳоннинг биринчи рақамли фортепьяночиси дея тан олинган ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов 2013 йилдаги дастлабки чиқишини ҳинд симфоник оркестри билан бошлайди. Бу ҳақда фортепьяночининг расмий сайтида хабар берилди.

У Шопен асарларини ижро этади. Бундан ташқари, Беҳзоднинг концерт дастурлари йил давомида бутун сайёрамиз бўйлаб давом этади. Жаҳоннинг кўплаб етакчи нашрлари ҳамюртимиз ҳақида мақолалар чоп этмоқда. Биз уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

The Sunday Times

(Буюк Британия):

— Ёш Беҳзод Абдураимовнинг Лондонда Халқаро фортепьяно сериясидаги чиқиши том маънода зални «портлатиб» юборди. Унинг юзидан жуда ақлли йигитлиги кўриниб турибди. Ундаги истъодод тугма эканлигига шубҳа йўқ. Унинг ижросидаги Шуберт сонатаси умуман ўзгача намоён бўлди. Бетховен сонатаси эса кечанинг энг юқори чўққисига айланди. Унинг ижросини кўриб шундай хулосага келиш мумкин: у чалаётган кўйлар худди шаршара мисоли фортепьяно клавиатурасидан кўйилади. Ўзбекистонлик йигитнинг ҳар бир чиқиши бутун дунёга кувонч улашмоқда.

International Piano Magazine (AQSH):

— Беҳзод Абдураимов жаҳон мусиқа санъати дурдоналарини катта маҳорат билан ижро этмоқда. Унинг ҳаракатларини кўриб, бу йигит ҳали юксалишда давом этишига ишонсан киши. Фор-

тепьяно ёрдамида чалаётган сонаталари дунё санъат муҳлисларининг қалбидан чуқур ўрин эгалламоқда. Абдураимовнинг интеллект юқори эканлиги шундоқ кўриниб турибди.

International Record Review (Буюк Британия):

— Унинг фортепьяно ёрдамида амалга ошираётган ишларини кўриб, олимпиада ўйинларида қатнашаётган атлет кўз олдимизга келади. Энг қизиқ тарафи, у 2009 йилда айнан Лондонда халқаро танловда ўзининг илк жаҳоншумул галабасини қўлга киритганди. Уша дақиқаларда дунё унга тан берганди. Унинг кўйлари худди олмосга ўхшайди: тоза ва чиройли.

Gatorphone

(Буюк Британия):

— Концертни кузата туриб ЎЗБЕК фарзандига тасаннолар айтасан киши. Беҳзоднинг мусикий билимлари юқори эканлигига ҳамма аллақачон амин бўлган. Шундай вазиятлар бўладики, қобилияти юксак бўлган ёшларни кўриб турсак ҳам уларнинг келажagini башорат қила олмаймиз. Аммо Абдураимов масаласида бундай иккиланш бўлмаслиги аниқ: уни янада ёрқин келажак кутиб турибди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.

Футбол

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

гуруҳ босқичининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди

Мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси навбатдаги учрашувда ҳам ўз муҳлисларини хурсанд қилди.

Меҳмонда Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб» футболчилари «Аш-Шабаб» футболчилари меҳмони бўлган тошкентликлар очколар сонини 6 тага етказиб олди.

Асосан ёш футболчиларга ишонч билдираётган бош мураббий Мурод Исмоилов мезбонларга қарши тўғри тактика танлай олди. Яқунда бу ўз самарасини бериб, ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида Жамшид Искандеров киритган гол ҳамюртларимизга муҳим галабани туҳфа этди — 0:1.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) — «Лахвия» (Қатар) жамоалари дуранга имзо чекишди — 0:0.

Кеча «G» гуруҳида тўп су-

раётган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари ўз майдонида Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» жамоасини қабул қилди — 2:2. Голларни тошкентликлардан Александр Пишчур (14-дақиқада), Камалиддин Мурзоев (90+3) киритди.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида «Пекин Гоан» — «Санфречче Хиросима» жамоалари ўзаро куч синашди — 2:1.

Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги тур баҳслари 2-3 апрель кунлари бўлиб ўтади. Унда бунёдкорчилар Тошкентда Хитойнинг «Пекин Гоан» жамоасини қабул қилса, пахтакорчилар Қатарда «Лахвия» футболчилари меҳмони бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

«ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ТУРЛИ СИЁСИЙ ФРАКЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ҚАНЧАЛИК КЕСКИН ВА КУЧЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУАЙЯН СИЁСИЙ КУЧЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ЎЗИДА ИФОДА ЭТАДИГАН ҲАР ҚАЙСИ ПАРТИЯНИНГ ҲОЯЛАРИ, ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИНING КАФОЛАТИ ҲАМ ШУНЧАЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ».

Янги қонун лойиҳаси муҳокамада



ФРАКЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАНЧА КУЧАЙСА

қонун ижодкорлиги жараёни шунча такомиллашади

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

⇒ 2

Сиёсий партиянинг халқ орасига чуқур кириб бориши, жамиятдаги нуфузи мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолияти қай даражада самарали йўлга қўйилганига бевосита боғлиқ. Қуйи бўғин иши тўғри ва тизимли ташкил этилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этади.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш зарур? БПТни сиёсий кучнинг том маънодаги қуйи ташкилотига айлантириш учун нималар талаб этилади? Бошланғич ташкилотларни кучайтиришнинг қандай янги йўллари бор?

Биз бу масала бўйича бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари, депутатларимиз, экспертлар, олимлар, мутахассислар фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

МАНЗИЛ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
ТЕЛЕФАКС: (8371) 233-10-13, 233-65-45.
ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ: info@uzbekistonovozi.uz, ovozi@mail.ru

ЎзХДП: иш ва фаровонлик барча учун!

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

муҳим вазифа

Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги 115 та касб-хунар коллежини 43 минг нафардан ортиқ ёшлар битириши кутилмоқда. Улар бандлигини таъминлаш ва бу ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Битирувчиларни меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш учун «Очиқ эшиклар куни» ва меҳнат ярмаркалари ўтказиб келинмоқда.

⇒ 2

АСОСИЙ ВАЗИФА

Баркамол авлодни тарбиялаш

⇒ 2



НОМЛАР — БЕНАЗИР МИЛЛИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

⇒ 3

ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШДА ОАВ ЎРНИ

⇒ 3



Тадбир

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси ахборот таҳлилий ва тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилади

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда фаол иштирок этиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалаларида фикр алмашилди.

Шунингдек, тадбир дои-

расида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўпламининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур тўплам маҳаллий Кенгашлардаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари ҳамда доимий комиссиялар фаолиятида қўлланиладиган муҳим қўлланма экани қайд этилди.

Мнажатдин ҚУЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Янги қонун лойиҳаси муҳокамада

ФРАКЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАНЧА КУЧАЙСА

қонун ижодкорлиги жараёни шунча такомиллашади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари Улугбек ВАФОВЕВ билан мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик



— Қонун лойиҳаси парламент фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Улугбек Вафоев. — Мазкур ҳужжатда сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, роли ва масъулиятини кучайтириш, парламент кўйи палатасида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган янги қоида ва меъёрларни жорий қилиш назарда тутиляпти.

Бунда асосий мақсад қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилиб олишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизмининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир.

Киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқишининг ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш назарда тутилмоқда. Мазкур гуруҳ Қонунчилик палатасига киритилган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш)ни амалга ошириши ҳамда улар кўриб чиқишининг барча босқичларида кузатиб бориши лозим бўлган Қонунчилик палатаси девони ходимларидан таркиб топиши белгиланаяпти. Бу ўринда муҳим масалалардан бири шундаки, Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузу-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

рида тузиладиган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ сиёсий партиялар фракциялари аъзоларидан таркиб толган Кенгашга бўйсунди ва унинг олдида ҳисобдор бўлади.

Шунингдек, янги қонун лойиҳасида парламент кўйи палатасига киритилган лойиҳаларни тақсимлашнинг ошқора механизми белгиланмоқда. Яъни қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун масъул кўмитани Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз мажлисида бамаслаҳат белгилаши тўғрисидаги қоида жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Бу ўзгариш қонун лойиҳаларини парламент муҳокамасига тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш, кўмиталар иш фаолиятини янада мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг бундай демократик, ошқора механизми бирор-бир хорижий давлат парламенти амалиётида учрамайди.

Ушбу қонун лойиҳасида асосий эътибор иккита муҳим масалага қаратилган. Булар Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларини демократлаштириш ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришдан иборат.

— **Маълумки, қонун лойиҳаларини мукамал таҳлил қилиш, жорий этилаётган ҳуқуқий муносабатларни аниқ-равшан акс эттириш, энг муҳими, бу жараёнда демократик тамойиллар ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда сиёсий партиялар фракциялари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ҳақда қараганда, қонун лойиҳалари пишиқ-пухта тайёрланиши ва**

ни қонун ҳужжатларида акс эттириш борасида имконияти янада кенгаймоқда. Бу сиёсий партиялар дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича фракцияларнинг масъулияти, айтиши мумкин бўлса, мажбуриятини ҳам кучайтиради.

Қонунлар лойиҳалари бўйича фракциялар томонидан киритилган ҳар бир фикр ва тақлифнинг мажбурий тартибда ҳисобга олиниши ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқишда фракциялардан жуда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки, жорий қилинадиган янги тартибга асосан, фракциялар киритган фикр ва тақлифлар ялпи мажлисда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Уларнинг қонун лойиҳаларида акс эттирилиши ёки қабул қилинмаслиги сабаблари таҳлил қилинади. Бир сўз билан айтганда, янги тартиб фракциялар фаолияти орқали сиёсий партияларга, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеига ҳолисона баҳо бериш имкониятини яратиб беради. Фракциямиз бундай ёндашувни тўғри, деб билади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича фракциямиз билдирган тақлифлар уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинди.

— **Қонуннинг қабул қилиниши, албатта, барча сиёсий партиялар, жумладан, Халқ демократик партияси фракциясининг фаолиятини кучайтиришни тақозо этади. Фракция шундан келиб чиқиб, қандай чораларни белгилаб олиши ва амалга ошириши керак, деб ҳисоблайсиз?**

— Аввало, фракциямиз фаолиятини танқидий кўриб чиқишимиз, шу билан бирга, иш юритиш тартиб-мунозарини тубдан такомиллаштиришимиз керак. Фракциямиз аъзоларининг партиявий мансублигини намоён этишни кучайтиришга қаратилган ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишимиз талаб этилади.

Шунингдек, фракциямиз аъзоларининг фикрича, Қонунчилик палатасида қабул қилинган барча ички меъёрий ҳужжатлар жорий қилинадиган янги талаблардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиши зарур. Бунда фракциялар фаолиятига тўққонлик қилувчи, уларнинг ваколатларини чегараловчи ҳамда фракцияларни асосий фаолиятдан қалгитувчи ортқича масалаларни аниқлаш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан мамлакат учун муҳим бўлган масалаларни ҳал этишда парламент, хусусан, сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган долзарб қонунлар ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси орқали ҳаётга жорий қилинаётган меъёр ва қоидалар бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми, десак, тўғри бўлади. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини янада кучайтиришга, энг муҳими, қонунлар сифати ошишига, уларда аҳоли барча қатламларининг манфаатлари ҳар томонлама инобатга олинишига хизмат қилади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.

ЎзХДП: иш ва фаровонлик барча учун!

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

муҳим вазифа

Ўтган йили Сурхондарё вилоятида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган касб-хунар коллежларининг 50 нафар битирувчисига партия фаоллари ва депутатлар томонидан тақлифий-ҳуқуқий масалаларда ёрдам берилди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларда 400 га яқин иш ўрни яратилди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда ҳам вилоятнинг олис туман ва қишлоқларида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Термиз, Олтинсой ва Денов туманларида ўтказилган «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг самарали

шакллари жорий этиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзусидаги амалий семинарлар фикримиз тасдиғидир.

Мазкур семинарларда ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, партия фаоллари, депутатлар ҳамда электорат вакиллари

касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш, ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масалаларида фикр алмашишди.

Таъкидландики, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида вилоятда ўтган йиллар давомида кўплаб ишлар амалга оширилди. Аммо бу борада камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Хусусан, битирувчилар билан уч томонлама шартнома имзолаган айрим қорхона ва ташкилотлар мутасаддилари ўзларининг шартномавий мажбуриятини бажаришга жиддий ёндашмаган. Натижада ўтган йили мустақил ҳаётга қадам қўйган баъзи ёшлар бунгунча ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаган. Яъни, ҳудудларда ёшларни иш билан

таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ҳудудлар инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда касаначиликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, томорқалардан унумли фойдаланишни кучайтириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

— Жорий йилда вилоятдаги 115 та касб-хунар коллежини 43 минг нафардан ортиқ ёшлар битириши кутилмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходими Абдухалил Нурманов. — Улар бандлигини таъминлаш ва бу ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Ҳар бир

битирувчи тўғрисида маълумот тайёрланиб, таҳлил ва мониторинг олиб борилмоқда. Жойларда мутасаддилар, ёшлар, уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўяётганлар меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилиб, улар учун «Ониқ ашиқлар кун» ва меҳнат ярмаркалари ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда вилоятда аҳолига маийши хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида сартарошхона, гўзаллик саломи, либослар ательеси ташкил этиш, касаначилик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Демак, кўплаб кишилар ишли бўлади, айниқса, партия электорати манфаатлари таъминланади. Шу боис ҳам ЎзХДП кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари бу ишларга муносиб ҳисса қўйиши зарур.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ДАСТУР ИЖРОСИДА

фаол иштирок этиш керак

Навоий вилояти Навбахор туман партия кенгашида ўтказилган семинарда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокини янада кенгайтириш масаласи кўриб чиқилди.

Унда ХДП фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди.

— 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда муносиб ҳисса қўйишимиз лозим, — дейди халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Хайри-нисо Едгоровна. — Партиямиз Харакат дастурида шу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун жорий йилда янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига янада жиддий

ёндашиш керак. Бу борада барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари тизимли иш олиб бориши, жойларда юзага келаётган айрим масалаларни ҳамкор ташкилотлар кўмагида самарали ҳал этиши зарур.

Тадбирда семинар мавзуси юзасидан ЎзХДП Навбахор туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари Т. Аҳмедов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сиёсий ўқув машғулотининг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзунинг таҳлил этишди. Билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Аброр ҚУРБОНОВ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётгани, миллий армиямиз ёшларимиз ҳар томонлама камол топадиган тарбия мактабига айланган иш алоҳида таъкидланди.

— Бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлган аскарларимиз бугун ота-онаси, дўстлари, командири ва бошлиқлари олдида халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилди, — дейди ҳарбий қисм ўқув йиғини бошлиғи, офицер А.Бердиев. — Ҳарбий қисмла-

римизда аскарларнинг кўнглидаги хизмат қилиши, янада билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қилган аскарлар сафида навоийлик Санжар Сағидов ҳам бор.

— Ватан ҳимоячилари — ҳарбийлар сафига қўшилганимдан хурсандман, — дейди Санжар. — Бор куч-ғайратим ва билимим билан эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида астойдил хизмат қиламан.

Тадбирда Ватан, истиқлол, ёшликни тараннум этувчи кўй-кўшиқлар янгради.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

Таълим



АСОСИЙ ВАЗИФА

баркамол авлодни тарбиялаш

Каттақўрғон иқтисодий коллежи Самарқанд давлат университети, Самарқанд давлат иқтисодий ва сервис институти ҳамда вилоятнинг кўпгина ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

Таълим даргоҳида ёшлар банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия, ҳўжалик ҳуқуқий фаолияти, ахборот технологиялари йўналишида таҳсил олади. 900 нафар ўқувчига 67 нафар малакали ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Ўқувчиларимиз ўртасида мунтазам равишда турли мавзурда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди коллеж директори Хуршида КАРИМОВА. — Чунки ёшларни нафақат малакали мутахассис, айни чоғда маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш ҳам асосий вазифамиз. Ўқувчиларимиз ўзи танлаган касб-ини пухта ўзлаштириши учун 30 га яқин турли тўғрақараклар ташкил этганмиз. Шу боис ўтган йўл йилида 327 нафар битирувчимиздан 297 нафари му-

тахассислиги бўйича ишга жой-лашди.

Коллежда ўқувчилар таҳсил олиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўқув-лаборатория хоналари, 40 мингга яқин китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, Ziyonet тармоғига уланган 44 та замонавий компьютер, спорт зали ва майдони ўқувчи-ёшлар ихтиёрида. Коллежнинг веб-сайти ҳам ишга туширилган. Унда таълим даргоҳига оид барча зарур маълумотлар, 156 та дарс-кичи ёшларни нафақат малакали мутахассис, айни чоғда маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш ҳам асосий вазифамиз. Ўқувчиларимиз ўзи танлаган касб-ини пухта ўзлаштириши учун 30 га яқин турли тўғрақараклар ташкил этганмиз. Шу боис ўтган йўл йилида 327 нафар битирувчимиздан 297 нафари му-

Абдусалим МАҲМУДОВ

НОМЛАР — БЕНАЗИР МИЛЛИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

Тил халқнинг бебаҳо мулки, нодир ва нозик бойлигидир. Унда халқнинг дунёқарashi, руҳияти, тақомил тадрижи, асрларни қаритган тарихи, қўйинги, миллатнинг бутун бўй-бастия ақлий-маънавий олами қатрада қуёш акс этганидай ўз тажассумини топади.

Тилнинг мухташам хазинасида жой номлари деб умумлаштириладиган муҳим бир қатлам борки, у халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тегишли ҳудуднинг географик ва иқлим хусусиятлари ҳақида ишончли маълумотлар беради. XIX асрнинг таниқли олимларидан бири «топонимика — ер тилидир, ер эса инсоният тарихи географик номлар билан ёзилган китобдир» деганида айна ҳақиқатни айтган.

Шу боис ҳам собиқ тузум даврида жой номлари атайин таҳрир қилинди. Уларга умрида юртимизга қадами тегмаган, тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган қиссаларнинг номи қўйилди.

Мустақиллик туфайли бундай адолатсизликка барҳам берилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳномлигида миллий ўзликни англаш, асл қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар жараёнида географик объектларни номлашга ҳам алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Тарихимизга бегона, ясама отлар ўрнига ўлкамизнинг миллий-тарихий қиёфаси ҳақида аниқ тасаввур берадиган номлар қўйилмоқда, жой номларига эҳтиромли муносабат шаклланди.

Бугун юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, майдонлар, бекатлар ва биноларга ярашиб турган ўзбекча номларни қўриб, сунонами. Кўнглимизда миллий ифтихор туйғулари жўш уради. Жой номларининг ўзидан ўша ер ҳақида маълум тасаввурга эга бўлаемиз.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобига таъкидланганидек, қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз ифодасини топади. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пиночилик, Чарчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Уқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳаллалар номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтрок ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга

бўлганидан далолатдир. Мазкур тарихий хотира кўзгусининг тиниклигини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига уйғун равишда топонимик таъмирот ҳам амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» қонуни муҳим дастури амал бўлмоқда.

Аввало, мазкур қонунда географик объектларни номлаш соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси эканлиги белгилаб қўйилган. Айна пайтда қонунда географик номлар объектга хос белгиларни акс эттириши, бошқа номлар тизимида мос тушиши, маҳаллий аҳолининг фикрига уйғун бўлиши, қонда тарихимизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз ифодасини топади. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пиночилик, Чарчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Уқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳаллалар номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтрок ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга

график объектларнинг номи ни белгилашда маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниши таъкидланган. Шу билан бирга, географик объектлар номларининг янглишига олиб келувчи ўхшашлиги, ушбу номларнинг ҳурматсизлик мазмунда бўлиши, Ўзбекистон халқининг тарихи, аънавалари ва маданияти билан номувофиқлиги истисно этилиши белгиланган.

Бугунги кунда географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Бу комиссиялар Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ номларни муҳофаза қилиш, географик объектларга халқимизнинг миллий аънавалари ва менталитетига ёт номлар берилишига ҳамда шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик, географик объектларга ном бериш ёки уларни ўзгартириш чоғида маҳаллийлик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суистеъмолик қилиш ҳолларини истисно этишга хизмат қилмоқда.

Жой номларини ўзгартириш шунчаки бир ном ўрнига

бошқасини қўйишдан иборат осон юмуш эмас. Масалан, биргина кўча номи ўзгартирилган экан, бу ном ёзилган металл лавҳаларни ясаш, шу кўчадаги идора-ташқиотларнинг ҳужжатларидаги, муҳр ва тамгаларидаги манзилни янгилаш каби ташвишлар муайян вақт ва харажати талаб этади.

Яна бир муҳим жиҳати, кўча ёки бошқа объектнинг номи ўзгартирилган экан, бу ўзгартириш омма онгига энг қулай ва энгил шаклларда етказилиши зарур. Шунинг учун жой номларини тартибга солиш борасидаги қўламли ишлар тарғиботида оммавий ахборот воситалари, кўргазмали-реклама мутасаддилари, бутун жамоатчиликнинг фаоллиги талаб этилади.

Обод турмуш йилида юртимизда янги турар-жойлар, замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. Уларни тўғри номлаш ва тўғри аташга ҳар бир юртдошимиз, ўзини масъул деб билса, жой номлари ана шу ободликка янада ярашиқ бўлади. Зеро, жой номларини тарихий обидалар, миллий ёдгорликлар каби асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, авлодларга тўқис етказиш ҳаётий зарурат, ижтимоий бурчдир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор (ЎЗА).



Хориж

ТУРМУШ ҚУРИШ ЁШИ

тенглаштирилди

Арманистон парламенти Оила кодексига тўзатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.



«News.am» сайтида эълон қилинган хабарга қараганда, эндиликда йигит ва қиз 18 ёшга етганда турмуш қуришига расмий рўхсат берилади. Шу пайтгача йигитлар 18 ёшга етганда, қизлар эса 17 ёшда турмуш қуриши мумкин эди. Никоҳга кирувчиларнинг ёши тенглаштирилиши гендер тенглигига эришиш учун амалга оширилди, дея шарҳлайди қонун лойиҳасини республика адиля вазири Грайр Товмасян.

Мамлакат миллий статистика хизматидан олинган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, кейинги пайтда Арманистонда йигит ва қизларнинг никоҳга кириши ёши юқорилаб бормоқда. Яъни 1994 йилда бу ёш 24ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда мазкур кўрсаткич 28 ёшнинг наририлишига етган. Бунга сабаб ёшлар ўз шароитларини ўзларига мослаб олганлиги оила қуриш масаласи ҳақида жиддий ўйлашга киришяётганидир.

АЁЛЛАР УЧУН

янги банк фаолияти йўлга қўйилди

Ҳиндистон ҳукумати фақат аёлларга хизмат кўрсатадиган янги махсус банк фаолиятини йўлга қўйди. Мазкур банкнинг устав капитали 10 миллиард рупий (186 миллион доллар) қилиб белгиланди.



«France-Presse» АА хабар беришича, бу билан мамлакат маъмурияти аёлларга молиявий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва кейинги пайтларда қаттиқ танқид остига олинган гендер тенгсизлиги муаммоларини бартараф этишни мақсад қилган. Маълумки, ўтган йилнинг

декабрида аёлларни ва қизларни зўрлаш ҳолатлари содир этилгани боис Дехли шаҳрида оммавий норозиликлар бўлиб ўтган эди.

ЭНГ ҚАРИЯЛАРДАН БИРИ

деб тан олинди

Япониялик Мисао Окава 5 март куни 115 ёшга тўлиши муносабати билан дунёнинг энг қарияларидан бири сифатида «Гиннесснинг рекордлар китобига» расмий рўйхатга олинди ва «Ginnes World Records» компанияси унга махсус сертификат тақдим қилди, дея хабар беради «Интерфакс» АА.

1898 йилда туғилган Мисао 1919 йилда турмушга чиққан. 3 фарзанди, 4 набираси ва 6 нафар эвараси бор. Осака шаҳрида яшайди.

У узоқ умр кўришининг сири саломатлиқнинг қадрига етишда, деб билади. Дарвоқе, дунёнинг энг қарияларидан яна бири ҳам Японияда яшайди. Киото музофотидаги Кётанго шаҳрида яшовчи Дзироэмон Кимура ҳам ҳозир 115 ёшда.

Ундан ҳам кўп умр кўрганлар тарихда қайд этилган. Масалан, 1997 йилда вафот этган Франциялик Жанна Луиза Каль-



ман 122 йил умр кўрган. Юз ёшдан ошганлар сони бўйича АҚШ ва Японияга етдигани йўқ; айна пайтда АҚШда 53 мингга яқин киши юз йилдан ошқ вақтдан бери умргузаронлик қилиб келаётган бўлса, Японияда бундай кишилар сони 51 минг атрофида.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейи томонидан 2011 йилда Раҳматова Гулрайно Бахтиёр қизига берилган рўйхат рақами 155, L №125674 сонли диплом йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎзХДП Самарқанд вилоят, кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Каттакўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Зайнаб Бердиевага онаси **НАЗИРА ЯНИНГ** вафоти муносабати билан чучук ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят Кенгаши партия фаоли **ШЕР ҒИЁСОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чучук ҳамдардлик билдиради.

Илмий-амалий семинар

ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШДА ОАВ ЎРНИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалари» мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда республикамиздаги марказий ҳамда Тошкент вилояти босма нашрлари журналистлари иштирок этди.



Валерий ХАРИТОНОВ олган сурат.

«Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш расида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВларнинг роли ва вазифалари» мавзuida илмий-амалий семинар

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда соҳа бўйича илмий-тадқиқот марказларининг экспертлари ва олимлари истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини мухташамлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оиладаги ва жамият ҳаётидаги ролини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги ҳамда мавқеини оширишда қилинаётган ишлар хусусида маълумот берди.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 2012-2013 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон ОАВларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш бўйича салоҳиятини ошириш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган журналистлар учун семинарлар ташкил этиш режалаштирилган. Уларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастуриларни ОАВларида кенг қамровли ва сифатли ёритишга ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларнинг самардорлигини янада кучайтиришга хизмат қилаётган мақолаларнинг сони ва сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргача республиканинг барча ҳудудларида мазкур йўналишда 2 маротабадан давра суҳбати ва 4 маротабадан марказлашган семинар-тренинглари ташкил этилди ва уларда 400 нафардан ортиқ журналист қатнашди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Иқтисодиёт ва ислохот

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан палата аъзолари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили палатанинг мурожаатларига асосан бошқарма томонидан судларга 12 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни ундиришга қаратилган 308 та даъво аризаси киритилди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Натижада палата аъзолари томонидан тўланиши лозим бўлган 1 миллиард сўмдан зиёд давлат божи тежалиб, уни палата аъзоларининг фаолиятини янада ривожлантириш учун сарфлаш имконияти юзага келди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Палатанинг вилоят ҳудудий бошқармаси янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган масаласига алоҳида аҳамият қаратади. Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган «Canton fair — 2012» халқаро технологиялар кўргазмасида андижонлик 10 нафар тадбиркор иштирок этиб, 1 миллион доллар миқдоридида ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолади.

Ҳудудий бошқарма қошида «Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили ушбу марказ ташаббуси би-

лан вилоятдаги 313 та тадбиркорлик субъекти 18 та лойиҳа асосида республикада ҳамда хорижий давлатларда ўз малакаларини оширишди. Берилаётган имтиёз ва яратилаётган имкониятлар туфайли мазкур соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу, пировард натижада янги иш ўринларининг кўпайиши, аҳоли бандлиги таъминланишини англайди.

Умрбек ТАДЖИБАЕВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Реклама

«СИРҒАЛИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!
2013 йил 25 март куни соат 11.00 да «Сирғали деҳқон бозори»
очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши ўтказилади.

Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчаси, Сирғали-6, «Сирғали деҳқон бозори» маъмурий биноси, 2-қават.
Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан 11.00 гача амалга оширилади.
Йиғилиш кун тартиби:
1.«Сирғали деҳқон бозори» ОАЖнинг 2012 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг иш фаолиятига баҳо бериш.
2.Жамиятнинг 2012 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини қўриб чиқиш.
3.Жамиятнинг 2012 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
4.Жамият Кузатув Кенгашининг 2012 йил фаолияти бўйича ҳисоботини қўриб чиқиш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.
5.Жамиятнинг 2012 йил фаолияти якуни бўйича йиллик балансини тасдиқлаш.
6.Жамиятнинг 2012 йил якуни бўйича фой-

да ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
7.Жамиятнинг 2013 йилги бизнес режасини тасдиқлаш.
8.Жамиятнинг 2013 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
9.Жамият директорининг меҳнат шартномаси мuddатини узайтириш ҳақида.
10.Жамиятнинг 2013 йил фаолияти учун жамият аудиторини сайлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11.Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.
12.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
13.Жамият Кузатув Кенгашининг 10.01.2013 йилдаги 01-сонли баённомаси қарорини тасдиқлаш.
Акциядорлар йиғилишига паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахслар ишончнома билан келишлари шарт.
Маълумот учун телефон: 251-34-64.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*халқимизни баҳор байрами —
Наврўзи олам билан муборакбод этади.*

**Барчангизга
тинчлик-омонлик,
мустаҳкам соғлик,
бахт-саодат,
эл-юрт
фаровонлиги
йўлидаги эзгу
ишларингизда
муваффақиятлар
тилайди.**

**Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Sharbat
ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO' LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-09-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

r — 346

20311

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5